


Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори

Давлат органлари ва ташкилотларига
юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида



Қарорга кўра, 2021 йил 1 октябрдан

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан
молиялаштириладиган Қорақалпоғистон
Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг ҳузурида
ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ
республиканинг барча туман (шаҳар)ларида
ташкил этилади





юридик хизмат кўрсатиладиган давлат
органлари ва ташкилотлари фаолиятини
ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш

давлат ташкилотларига
сифатли ва малакали
юридик ёрдам кўрсатиш

давлат ташкилотлари
ходимларининг ҳуқуқий
саводхонлиги ва ҳуқуқий
маданиятини ошириш

Марказлар фаолиятининг АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

давлат ташкилотлари томонидан
қабул қилинаётган ҳужжатларнинг
қонуний ҳамда ҳар томонлама пухта ва
сифатли бўлишини таъминлаш

давлат
ташкилотларининг
мулкий ҳамда бошқа
ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ўз
вақтида, ҳар томонлама
ва самарали ҳимоя
қилинишини таъминлаш



2021 йил 1 октябрдан

Давлат ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлинмаларида жами 1386 та юридик хизматлар штат бирликлари қисқартирилади ҳамда келгусида уларга Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатилади.

1386 та
қисқартирилади



Қисқартирилаётган штат бирликлари ҳисобидан
Марказлар фаолиятини ташкил этиш учун 1 056 та
штат бирлиги ажратилади

1 056 та


“E-huquqshunos” электрон тизими босқичма-босқич жорий этилади

2021 йил 1 октябрдан давлат ташкилотларига юридик хизмат күрсатиш билан боғлиқ барча мълумот ва жараёнларни түлиқ электрон равишда йиғиши, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва амалга ошириш имконини берувчи “E-huquqshunos” электрон тизимини босқичма-босқич жорий этилади





Марказлар ходимлариға суд процессида
юридик хизмат кўрсатиладиган
ташкилотларнинг вакили сифатида қатнашиш
хуқуқи берилади






Марказлар ходимлари мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларига тенглаштирилади, шунингдек, адлия органлари ходимлари учун назарда тутилган мартаба даражалари ва кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ миқдорлари татбиқ этилади.



ШуНИНГДЕК

Марказ ходими бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга ишга ўтганда унинг меҳнат стажи, мартаба даражалари, шу жумладан кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамаларни тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи янги иш жойида ҳисобга олинади.



Марказлар ходими сифатида камида 3 йил мөхнат стажига эга бўлган шахс




- лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонида иштирок этиш
- нотариал идорада 6 ой муддат стажировка ўтаб малака имтиҳонини топшириш ҳуқуқига эга бўлади




Марказларнинг қонуний фаолиятига бирон-бир тарзда аралашиш ва тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўtkазиш **қатъян тақиқланади.**



Марказлар томонидан юридик хизмат күрсатилиши белгиланган ташкилотлар томонидан Марказлар билан келишилмаган ҳолда юридик тусдаги ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳужжатлар юридик кучга эга эмас ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.



Марказларга ўзининг асосий фаолиятига таъсир
кўрсатмаган ҳолда бошқа юридик шахсларга
пуллик асосда юридик хизматлар кўрсатиш ҳуқуки
берилади.



**Эътиборингиз учун
раҳмат!**

